O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 6 февраль ЧОРШАНБА

№ 10 (12.021)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 февраль куни расмий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди.**

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бормоқда. Бунда мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ҳурмат ва ишончи, ҳамкорликни кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги қарашлари ўхшаш эканлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи савдосининг 30 фоиздан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Экспорт ва импорт таркиби ҳам бой – машина ва ускуналар, энергия манбалари, қора ва рангли металлар, пахта толаси, пластмасса, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 48 фоизга кўпайди ва 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 527 корхона, Россия фирма ва компанияларининг 139 ваколатхонаси ишлаб турибди. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган 293 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Москвада бўлиб ўтадиган музокараларда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинади. Ташриф давомида турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

**ЎзА.**

2008 йил – Ёшлар йили

## ЮРТИМ МАДҲИНИ КУЙЛАЙДИ ДУТОР



**ШАРОИТ яратилса, интилиш бўлса, қобилият юз очаверади. Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда болалардаги иқтидорни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар очилди. Натижада ўғил-қизларимиз орасидан янги-янги истеъдод эгалари етишиб чиқмоқда.**

– Мен дастлабки машғулотлар пайтидаёқ Роза Дуйсебоевада ички туйғу, интилиш ниҳоятда кучли эканлигини сездим, – дейди ўқитувчи Бахтиёр Абдураимов. – У миллий чолғу асбобларидан дуторда куй чалишни қунт билан ўргана бошлади. Беш йил мобайнида Юнус Ражабий номли мусиқа мактабида шу йўналиш бўйича шуғулланди.

Роза ўқиб юрган кезлариёқ синфдошларида санъатга қизиқиш уйғотиб, «Оҳанграбо» хор дастаси ташкил этилишининг ташаббускори бўлди. 2002 йилдан буён «Ўзбекистон – Ватаним маним!» қўшиқлар танловида фаол қатнашиб келмоқда. «Истеъдод – 2004» вилоят болалар анжуманида «Энг моҳир ижрочи» йўналиши бўйича ғолиб бўлди. 2006 йили А. Ибодовнинг «Истиқлол» шеърига ўзи басталаган куйини ижро этиб, «Ўзбекистон – Ватаним маним!» танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади. У Зулфиянинг «Кўрганмидинг кўзларимда ёш», Ориф Одилхоннинг «Ўлкам таронаси» шеърларига куй басталаб, ўзи маҳорат билан ижро этмоқда.

Ҳозирги пайтда Юқоричирчиқ педагогика коллежида мусиқа йўналиши бўйича билим олаётган ёш мусиқачи Роза Дуйсебоева жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этаётир. У – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти кенгашининг аъзоси. Роза маҳоратли ўйинчиларидан бири ҳисобланган баскетбол жамоаси турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ҳамиша совринли ўринларни эгаллаб келади.

Нафис истеъдод соҳибаси Роза Дуйсебоева Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг вилоят босқичида мусиқа йўналиши бўйича фаол иштирок этиб, совриндорлардан бири бўлди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

СУРАТДА: Юқоричирчиқ педагогика коллежининг ўқувчиси Роза Дуйсебоева.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# Вилоят ҳаёти

## ЯНГИ ЙИЛДАН ЯНГИ МАКТАБДА

**ПАРКЕНТ тумани Чўққайма маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 39-мактаб биноси тор бўлганлиги боис ўқитиш жараёнларида бир қатор муаммоларга дуч келинаётган эди.**

Яқинда ана шу муаммо ўз ечимини топди. «Хисор тоғи» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари саъй-ҳаракати билан 315 ўринли янги бино қад ростлади.

Мактаб ўқувчилари энди таҳсилни янги бинода давом эттиришаяпти.

**Тўйчи ДЎСМАТОВ.**

## МЕЗБОНЛАР – СОВРИНДОР

**ЧИНОЗ туманидаги 15-умумтаълим мактаби катта спорт байрамига мезбонлик қилди.**

Уни ташкил этишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали жонбозлик кўрсатди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти эса бу борада ҳамкорлик қилди.

Мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги «Соғломжон-полвонжон» мусобақаларида 14-боғча жажжилари тенгсиз эканликларини кўрсатишди. Анварбековлар оиласи «Отам, онам ва мен – соғлом оила» баҳсида ғолиб чиқишган бўлишса, «Ёш оила» кўригида Бекматовларнинг қўли баланд келди. 5-мактаб жамоаси шахмат-шашка бўйича, баскетбол ҳамда стол теннисi турларида 15-мактаб ўғил-қизлари биринчи бўлишди.

**Ҳилола ЭРМАТОВА.**

## СИРТҚИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

**Қизил Ярим ой жамиятининг Ангрен шаҳар таянч пунктида аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш бўйича сиртқи ўқув маркази фаолият юритмоқда.**

– Тоғли ҳудудга яқин жойлашган шаҳар аҳолиси албатта табиий-техноген ҳодисалар содир бўлган вақтда ҳимояланишнинг шартлари ва қоидалари ҳақида етарли тушунчага эга бўлмоғи зарур, – дейди бўлим мудири Сурия Ботирова. – Шу мақсадда фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари иштирокида ўтказилаётган ўқув машғулотлари тингловчилари турли ёшдаги кишилардир.

**Мунира ИСАЕВА.**

Вилоят ва жаҳон

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

**ТАШҚИ иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хорижий сармоядорларга ишончли кафолатларни таъминлаш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, товар ишлаб чиқарувчилар билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шерикчилик муносабатларида жаҳон бозорида харидоргир, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг асосий шартлари ҳисобланади.**

Мухбиримиз вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Орифжон Исмоилов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

– Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон жаҳон бозорига дадил кириб бораётир, – деди Орифжон Боқиевич. – Вилоятимиз бу жараёнда тобора фаол қатнашаяпти. Давлатимиз раҳбари вилоят сайловчиларининг вакиллари билан учрашувда яқин йиллар давомида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида гапириб, олдимизда турган вазифаларни очиқ-ойдин таърифлаб бердилар. Хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб қилиш асосида Тошкент ва Янги Ангрен иссиқлик электр станциялари, «Ангрен» кўмир кони, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Махам Chirchiq» очиқ акциядорлик жамиятида модернизациялаш, янги техника ва технологияларни жорий этиш экспорт салоҳиятини кескин оширади.

**– Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 октябрдаги товар ва хизматларнинг экспорт ҳажмларини оширишни кўзда тутувчи қарори вилоятимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда алоҳида ўрин тутади. Ўтган йили шу соҳада олиб борилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.**

– Кичик бизнес, бошқа корхона ва хўжаликлар маҳсулотини ташқи бозорга чиқаришни кўпайтиришни кўзлаб, бир қатор йўналишларда иш олиб борилаётир. Аввало, бундай маҳсулотлар рекламаси кучайтирилиб, ташқи савдо компанияларининг эътибори уларнинг сифати, жаҳон бозоридаги харидоргирлиги масалаларига қаратилди.

Айни пайтда вилоятимизда ташкил этилаётган хорижий инвестицияли янги корхоналар экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш кучайтирилди. Натижада илгари экспорт билан шуғулланмаган бир қатор корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини олис ва яқин хорижий мамлакатларга чиқара бошладилар. Чунончи, Чирчиқ шаҳридаги «Энергомаш», «Чирчиқ керамика», Бекобод шаҳридаги «Бекободғишт», Янгийўл шаҳридаги «Продекс инвест», «Интер агро Баракат», шунингдек, Янгийўл, Юқоричирчиқ, Тошкент туманларидаги бир қатор корхоналар экспорт операцияларини дадил амалга ошираётирлар.

Натижада ҳудудий экспорт дастурига киритилган корхоналар ўтган йили хорижга 56,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатиб, режани 213,5 фоиз бажарди.

**– Вилоятнинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги имкониятлари яхши маълум. Уларни ишга солиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётир?**

– Инвестиция муҳити, сармоядорлар, чет эллик тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар ва бошқа бир қанча омиллар бу борадаги ишларнинг муваффақиятини таъминлайди. Шуни назарда тутиб, кейинги йилларда чет эл ваколатхоналари билан алоқалар, хорижий инвесторлар билан бевосита мулоқотлар кучайтирилаётир. Бугун Болгариянинг Хаскова, Россия Федерациясининг Томск вилоятлари билан Тошкент вилояти ишбилармонлари ўртасида дўстона ва ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик кучайиб бормоқда.

Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Туркия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг ишбилармон доираларида ҳам вилоятимизнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги салоҳияти муайян қизиқиш уйғотмоқда. Улар саноат ва қишлоқ хўжалигининг қатор соҳаларига сармоя киритиш истагини билдирмоқдалар. Ҳозирги кунга келиб вилоятимизда 290 та хорижий инвестицияли корхона рўйхатга олинган. Фақат 2007 йилнинг ўзида вилоятимизда 62 та шундай корхона ташкил этилди. Жумладан, Зангиота туманида 11 та, Чирчиқ шаҳрида 7 та, Олмалиқ шаҳрида 6 та, Бўстонлиқ туманида 5 та шундай корхона иш бошлади. Уларнинг аксарияти қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, енгил, кимё ва нефть, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноатида, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритади.

**– Табиийки, бу шаҳар ва қишлоқларимизда янгидан очилаётган ишчи ўринлари, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайяпти, деган сўз.**

– Албатта. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳудудий дастурнинг изчил, босқичма-босқич амалга оширилиши, жумладан, сўнгги бир йилда вилоятимизда 1434 та янги ишчи ўринлари ташкил этилишига олиб келди.

Умуман олганда, ўтган йили шу дастур бўйича, қўшимча лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда 75,7 миллион доллар миқдоридаги сармоя ўзлаштирилди. 166,95 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 94,35 миллион доллар миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

**– Орифжон Боқиевич, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорти таркибида қандай ўзгаришлар кузатилаётир?**

– Жаҳон бозорида рақобат кучли эканлиги яхши маълум. Корхона ва фирмаларимизда кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли рақобатга бардошли маҳсулотлар тури кўпайиб бормоқда. Бу эса, экспорт таркиби ташқи бозор талабларига мутаносиб равишда янгиланиб борилишига имкон туғдираётир. Ўтган даврда экспорт таркибида қора ва рангли металлар, пахта толаси, озиқ-овқат ва кимё саноати маҳсулотлари ҳажми энг юқори бўлди.

Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. Бугун биз хорижга кўп миқдорда трикотаж ва бошқа кийим-кечаклар, гилам, пластмасса ва керамика маҳсулотлари, газ жиҳозлари ва ускуналари, мебель, кабель, қурилиш материаллари, қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқараяпмиз.

**– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида корхоналаримизнинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи бир қатор амалий режалар кўзда тутилган. Улар қандай бажарилмоқда?**

– Аввало, шу фармон асосида хориждан кўплаб янги техникалар, энг замонавий технологияларни олиб келишга эътибор кучайтирилганини таъкидламоқчиман. Корхоналаримиз ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалалари билан тобора изчил шуғулланаётир. Импортнинг умумий ҳажмида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши ўтган йили бирмунча ошди. Чунончи, «ОКМК», Чиноздаги «Таъминотчи Пахта», «Оҳангаронцемент», «Махам Chirchiq» очиқ акциядорлик жамиятлари, Янгийўлдаги «Ядем Текстиль», Қибрайдаги «Интер роҳат» қўшма корхоналарида қувватларни янгилаш ишлари шу мақсадлар кўзда тутган ҳолда олиб борилмоқда. Янги замонавий ускуналар кўплаб ишга туширилаётганлиги боис сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажми ортиб бормоқда.

Шуни айтиш кифояки, бугунги кунда вилоятимизда 80 та олис ва яқин хорижий давлатлар билан ташқи иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилган. Вилоятимизнинг Германия, Хитой, Буюк Британия, Туркия, Афғонистон, Эрон, БАА, Венгрия давлатлари билан ташқи савдо айланмаси салмоқли бўлмоқда. Биз бу жараённи яна ҳам кучайтиришни кўзлаб, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтираверамиз.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

**ТОШКЕНТДА овқатланишни яхшилаш бўйича Миллий дастур лойиҳаси тақдимотига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг ушбу масалада шуғулланадиган қатор вазирлик ва идоралари томонидан БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда соғлиқни сақлаш, таълим, озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаси мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

Ишлаб чиқилган дастур ва режа уч йилга мўлжалланган бўлиб, амалдаги лойиҳаларни ва қатор янги ташаббусларни кенгайтиришни ўз ичига олган. Бу — барча аҳоли учун мўлжалланган асосий маҳсулотларни бойитиш тадбирларидир. Унни тўйинтириш ва тузни йодлаш бўйича дастурларни кенгайтириш ва бу билан аҳолининг камида 80 фоизини қамраб олиш, шунингдек, пахта ёғини А витамини билан бойитишга доир дастурни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш ҳам шулар жумласидандир. Соғлиқни сақлаш ташкилотлари орқали хотин-қизлар ва болаларни таркибида нафақат А витамини, балки темир ва фолий кислотаси бўлган препаратлар билан мунтазам таъминлашни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

**ЎзА.**

## ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

**ПАРКЕНТ тумани мактабгача таълим муассасаларининг бир гуруҳ раҳбарлари ва тарбиячилари Бектемирдаги 580-«Қўнғироқча» болалар боғчасида бўлиб, таълим-тарбия ишлари тажрибаси билан танишишди. Тарбиячилар томонидан тайёрланган кўргазмалар, стендлар, турли тадбирлар ранг-баранглиги билан ажралиб туради.**

Спорт залидаги машғулотлар, айниқса, ибратли. Тарбиячилар танловлари энг яхши тажрибаларни оммалаштиришда алоҳида ўрин тутмоқда. Болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг қобилиятларини намоён этиш жараёнлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар Венера Раҳматуллина, Замира Чуганова, Гулнора Муродова, Муҳаббат Содиқова сингари тажрибали тарбиячиларнинг иш услублари билан атрофлича танишишди.

Паркент ва Тошкент шаҳрининг Бектемир туманлари мактабгача таълим муассасаларининг бундай ҳамкорлик алоқалари янги авлод тарбияси савиясини оширишга ёрдам бермоқда.

**Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ.**

**2008 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

